

**БОЛАЛАРДА ЎТ-ТОШ КАСАЛЛИГИДА КЛИНИК ЛАБОРАТОР  
КЎСАТКИЧЛАРИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**  
**Сурабова Жасмин Шавкатовна, 201-гуруҳ, даволаш факультети**  
**Илмий раҳбари:доцент Бердиев Э.А.**  
**ТТА Термиз филиали, хирургик касалликлар кафедраси**

**Муаммонинг долзарблиги:** Болаларда ўт-тош касаллиги кенг тарқалган касалликлар жумласига кириб, юрак-қон томир ва қандли диабет касаллигидан сўнг учинчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда болалар ва ўсмирлар орасида ўт-тош касаллиги касалланиш даражаси ортиб бормоқда.

**Тадқиқотлардан мақсад:** Болаларда ўт-тош касаллиги клиник лабаратор хусусиятлари ва ичак микрофлораси кўрсаткичларини баҳолаш жараёнлари ўрганилди.

**Материал ва усуллар:** Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази хирургия бўлимида 16 та беморнинг касаллик тарихи ўрганилди. Болалар ёши 10 ёшдан-16 ёшгача ташкил этади. Барча болаларда тўлиқ анамнез йиғилиб ва клиник текширувлар ўтказилиб, қондаги ферментлар миқдори, эркин холестерин ва билирубин фракциялари аниқланди. Ўт-тоши ҳосил бўлишида ирсий мойилликлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Болалик ва ўсмирлик даврида ўт-сафро тоши пайдо бўлиши сабабларидан бири бу овқатланишнинг бузилиши бўлиб ҳисобланади.

**Натижалар:** Бизни кузатувимизда бемор болалардан шу нарса аниқ бўлдики, овқатланиш режими бузилиши, диеталарга риоя қилмаслиги аниқланди. Шулардан 31,2% болалар жуда кўп миқдорда ёғли ва ўта аччиқ овқатлар истеъмол қилишлари аниқланди. 31,2% болаларда оғриқ жисмоний зўриқишдан сўнг ўнг қовурға соҳасида кузатилиб, кам ҳаракат қилишлари маълум бўлди. Оғриқ синдроми кўпчилик болаларда кузатилиб, кайталовчи характерга эга. Бўлимга мурожаат қилган болаларни 56,2% эпигастрия ва ўнг қовурға соҳаларидаги оғриқлардан шикоят қилишган, оғриқ иррадиацияси фақат биргина болада кузатилган. Диспепик синдромлардан қусиш 12,4% болаларда, жиғилдон қайнаши 24,8%, кўнгил айнаши 68,7% болаларда кузатилган. Баъзи ҳолларда болаларда кекириш ҳолатлари 18,75%, иштаҳанинг пасайиши 31,2%, гоҳи беморларда кабизият ҳолатлари кузатилган бўлса, 3 болада диарея, метеоризм белгилари аниқланди.

Барча болаларда ЭФГДС текшируви ўтказилганида ошқозон шиллик қаватларида турли ўзгаришлар аниқланди. 75% болаларда пангастрит, 56,2% ида юзаки дуоденит, 37,5% гастродуоденит белгилари, 6,2% гастроэзофагеал рефлюкс, ва 12,4% ида дуодено-гастрал рефлюкс аломатлари аниқланди. Ичаклар микрофлорасини ўрганишлар натижасида икки болада тилла ранг стафилококк, 2тасида кластридия, 24,8% болаларда кўп миқдорда гемолизлашувчи эшерихиялар аниқланди. 24,8% ида бифидобактериялар ва 37,5% ида лактобактериялар пасайиши кузатилди. 3та болада лямблия борлиги аниқланди. Болаларда ўт-сафро тош касаллиги генезида ўт копи ва ўт йўлининг аномал ривожланиши ҳам муҳим рол ўйнайди. Текширув ўтказилган 37,5% болаларда ўт копи танасидан, 6,2% эса ўт копи бўйинчасидан эгилиши аниқланди. Бир беморда ўт копи деворининг 3,5ммгача қалинлашуви кузатилди. Ўт копи танасида размери 4,8дан 10,5ммгача бўлган конкрементлар топилди. Ўт сафро тош касаллигини даволашда 56% болаларда гепатопротектор ўт ҳайдовчи препарат урсосан (оғирлиги ҳисобига 10-15мг/кг кунига 6 ойдан 1 йилгача) буюрилди. 8та болаларни ўт копида тошлар ижобий ўзгаришларсиз сақланиб қолди.

**Хулоса:** Шундай қилиб, болаларда гиперхолестеринемия ва яллиғланиш омиллари бўлмаса, ўт сафро тош касаллиги ҳар доим ҳам катталардагидек клиник манзара беравермайди.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Юсупов, А., Сатвалдиева, Э., Исмаилова, М., & Шакарова, М. (2021). Изменение показателей центральной гемодинамики при эндопротезировании тазобедренного сустава у детей, in *Library*, 21(4), 336-340. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/18980>
2. Мазин, П. В., И. В. Шешунов, and Н. К. Мазина. "Метааналитическая оценка клинической эффективности цитофлавина при неврологических заболеваниях." *Журнал неврологии и психиатрии* 117.3 (2017): 28.